



КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ESG ТАМОЙИЛЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ

PhD, доц. **Исмаилов Аллаёр**

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

ORCID: 0009-0000-6148-342X

ismailovallayor@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада корпоратив бошқарув тизимида ESG (Environmental, Social, Governance) тамойилларини интеграция қилишнинг инновацион механизмлари ва уларнинг ташкилот самарадорлигига кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинди. Тадқиқотда ESG стандартларини жорий этиш орқали компанияларнинг барқарор ривожланиши, ижтимоий масъулияти ва экологик барқарорлиги кучайиши ҳамда корпоратив қийматнинг ошишига хизмат қиладиган омиллар аниқланди. Илмий ишда инновацион усуллар – рақамли технологиялар, “яшил” инвестициялар ва масъулиятли корпоратив бошқарув моделларини жорий этиш тажрибалари ўрганилди. Шунингдек, ESG тамойилларининг иқтисодий самарадорликка, инвестицион жозибadorликка ва корпоратив нуфузга таъсирини баҳоловчи илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадқиқот натижалари корпоратив бошқарувнинг замонавий тенденцияларини чуқур англашга ва компаниялар учун барқарор ривожланиш стратегияларини шакллантиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: ESG тамойиллари, корпоратив бошқарув, инновацион механизмлар, барқарор ривожланиш, экологик барқарорлик, ижтимоий масъулият, масъулиятли инвестициялар, рақамли технологиялар, корпоратив самарадорлик, корпоратив нуфуз, инвестицион жозибadorлик.

ИНТЕГРАЦИЯ ИННОВАЦИОННЫХ МЕХАНИЗМОВ ПРИНЦИПОВ ESG В СИСТЕМУ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ

PhD, доц. **Исмаилов Аллаёр**

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье проанализированы инновационные механизмы интеграции принципов ESG (Environmental, Social, Governance) в систему корпоративного управления и их влияние на эффективность организации. В исследовании выявлены факторы, способствующие устойчивому развитию компаний, усилению их социальной ответственности и экологической стабильности, а также повышению корпоративной стоимости за счет внедрения стандартов ESG. В работе изучен опыт внедрения инновационных подходов – цифровых технологий, «зеленых» инвестиций и моделей ответственного корпоративного управления. Кроме того, разработаны научно

обоснованные предложения и рекомендации по оценке влияния принципов ESG на экономическую эффективность, инвестиционную привлекательность и корпоративную репутацию. Результаты исследования способствуют глубокому пониманию современных тенденций корпоративного управления и формированию стратегий устойчивого развития для компаний.

Ключевые слова: принципы ESG, корпоративное управление, инновационные механизмы, устойчивое развитие, экологическая устойчивость, социальная ответственность, ответственные инвестиции, цифровые технологии, корпоративная эффективность, корпоративная репутация, инвестиционная привлекательность.

INTEGRATION OF INNOVATIVE MECHANISMS OF ESG PRINCIPLES INTO THE CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM AND THEIR IMPACT ON EFFICIENCY

PhD, assoc. prof. **Ismailov Allayor**
Tashkent State University of Economics

Abstract. This article analyzes the innovative mechanisms for integrating ESG (Environmental, Social, Governance) principles into the corporate governance system and their impact on organizational efficiency. The study identifies factors that contribute to the sustainable development of companies, strengthening their social responsibility and environmental stability, as well as increasing corporate value through the implementation of ESG standards. The research examines the experience of implementing innovative approaches, including digital technologies, "green" investments, and responsible corporate governance models. Furthermore, scientifically grounded proposals and recommendations have been developed to assess the impact of ESG principles on economic efficiency, investment attractiveness, and corporate reputation. The results of the study contribute to a deeper understanding of modern trends in corporate governance and to the formation of sustainable development strategies for companies.

Keywords: ESG principles, corporate governance, innovative mechanisms, sustainable development, environmental sustainability, social responsibility, responsible investments, digital technologies, corporate efficiency, corporate reputation, investment attractiveness.

Кириш.

Замонавий иқтисодий шароитда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш масаласи жаҳон иқтисодиётида устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда ESG (Environmental, Social, Governance) тамойиллари асосида бошқарувни ташкил этиш тенденцияси кучайиб бормоқда. ESG тамойиллари компаниялар фаолиятида экологик барқарорликни таъминлаш, ижтимоий масъулиятни кучайтириш ва корпоратив бошқарувнинг шаффофлигини оширишга йўналтирилган механизмлар мажмуасини англатади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ESG стандартларини корпоратив бошқарув тизимига интеграция қилиш компанияларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш ва корпоратив нуфузини мустаҳкамлашда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, инновацион механизмлар – рақамли технологиялар, "яшил" инвестициялар, ресурсларни тежашга йўналтирилган янги бизнес-моделлар ва масъулиятли корпоратив бошқарув инструментлари – ESG тамойилларини амалиётга жорий этиш жараёнида асосий восита ҳисобланади.

Бироқ, ривожланаётган бозорларда, жумладан, Ўзбекистонда ESG асосида корпоратив бошқарувни ташкил этиш бўйича илмий-назарий асослар ва амалий ечимлар ҳали етарли даражада шаклланмаган. Шу боис, ушбу тадқиқотнинг мақсади корпоратив бошқарув тизимида ESG тамойилларини интеграция қилишнинг инновацион механизмларини ўрганиш ва уларнинг компания самарадорлигига таъсирини илмий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборатдир.

Адабиётлар шарҳи.

Dicuonzo ва бошқаларнинг (2022) тадқиқотларига кўра, банк секторида ESG омилларини интеграция қилиш даражасини ўрганган илк эмпирик тадқиқот бўлиб, 0 дан 100% гача миқёсда баҳоланувчи миқдорий индекс ишлаб чиқди. Ушбу тадқиқот аввалги ишлардан шу жиҳати билан фарқ қиладики, у банкларда барқарор амалиётларни амалга оширишга энг катта таъсир кўрсатувчи корпоратив бошқарув соҳаларини ҳисобга олган “Банкнинг ESG интеграцияланган корпоратив бошқарув индекси”ни яратди.

Chenнинг (2024) тадқиқотига кўра, ESG инновацияга турли йўналишлар орқали таъсир кўрсатишининг асосий механизмлари аниқланди: экологик барқарорлик яшил инновацияни ривожлантиришга ёрдам беради, ижтимоий масъулият инклюзив инновацияни рағбатлантиради, кучли корпоратив бошқарув эса стратегик инновацияни таъминлайди.

Lіning (2025) фикрига кўра, атроф-муҳит, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини корпоратив стратегик бошқарувга интеграция қилиш корпоратив ижтимоий масъулият (CSR) амалиётларини сезиларли даражада такомиллаштириши ва барқарор ривожланишда рақобатбардошлик салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Lіping ва бошқаларнинг (2025) тадқиқотларида, барқарор ривожланиш концепциясининг ривожланиши кўпроқ корхоналарни атроф-муҳит, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) маълумотларини ошкор этишга ундади, шунингдек ESG хулқ-атворини янги ривожланиш концепциясини амалга оширишга қаратилган ижобий стратегик ҳаракат сифатида қаралади.

Tangнинг (2022) тадқиқотида, ESG самарадорлиги корпоратив инновациянинг ҳажми ва сифатини сезиларли даражада рағбатлантиришини ҳамда бу жараён молиявий чекловларни енгиллаштириш ва агентлик харажатларини камайтириш орқали амалга ошишини кўрсатди.

Ўзбекистонда инновация фаолиятини ривожлантириш ва бошқарув тизимини ўрганиш бўйича Қодиров (2008), Зайнутдинов (2006), Эргашев ва бошқа олимлар (2005) илмий тадқиқот олиб борганлар. Бошқа иқтисодчи олимлар Расулев, Алимов ва Қодировларнинг илмий асарларида миллий инновацион тизимни шакллантириш асослари баён этилган бўлса, Зайнутдинов, Раҳимова ва Маҳкамовалар инновацион менежментни ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатларини тадқиқ этганлар.

Тадқиқот методологияси.

Корпоратив бошқарув тизимида ESG тамойилларини интеграция қилишнинг инновацион механизмлари ва уларнинг самарадорликка таъсири таҳлилида адабиётлар таҳлили, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий индикаторлардан фойдаланилган. Шунингдек, мантиқий фикрлаш, маълумотларни гуруҳлаш, синтез ва индуктив-детуктив усуллар тадқиқотда асосий аҳамиятга эга бўлган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Корпоратив бошқарувнинг замонавий концепциялари фақатгина молиявий кўрсаткичларга таянибгина қолмасдан, балки ташкилот фаолиятининг кенг қамровли

таъсирларини ҳам ҳисобга олмоқда. ESG (Environmental, Social, Governance) тамойиллари айнан шундай кенг қамровли ёндашувни акс эттиради. Бу тамойиллар компаниянинг атроф-муҳит, жамият ва бошқарув тизимига бўлган муносабатини баҳолаш учун муҳим мезонлар мажмуасини ташкил этади.

- **Экологик (Environmental) компонент** компаниянинг атроф-муҳитга етказадиган салбий таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бунга карбонат изини қисқартириш, энергия самарадорлигини ошириш, чиқиндиларни бошқариш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш киради. Бундай ёндашув нафақат экологик масъулиятни, балки ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига операцион харажатларни камайтириш имконини ҳам беради.

- **Ижтимоий (Social) компонент** компаниянинг инсон капиталига ва жамиятга таъсирини акс эттиради. Бу ходимларнинг меҳнат шароитлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш жойида гендер тенглигини таъминлаш, мижозлар хавфсизлиги ва маҳаллий жамоалар билан ҳамкорлик каби масалаларни қамраб олади. Ижтимоий масъулиятни кучайтириш ходимлар лояллигини оширади ва компания обрўсига ижобий таъсир кўрсатади.

- **Корпоратив бошқарув (Governance) компоненти** ташкилотнинг бошқарув тизимидаги шаффофлик, ҳисобдорлик ва этика масалаларини ўзида мужассам этади. Бунга раҳбарлар кенгашининг мустақиллиги, коррупцияга қарши кураш сиёсати ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш киради. Кучли корпоратив бошқарув тизими инвесторлар учун ишончли муҳит яратади ва хатарларни камайтиради.

1-жадвал

ESG тамойилларини интеграция қилиш бўйича инновацион механизмлар ва уларнинг самарадорликка таъсири

Инновацион механизм	Тавсифи	ESG компоненти	Самарадорликка таъсири
Рақамли технологиялар	Сунъий интеллект ва "Катта маълумотлар" таҳлили орқали ресурс сарфини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиш ва хатарларни прогноз қилиш.	Экологик (E), Корпоратив бошқарув (G)	Операцион харажатларни камайтириш, қарор қабул қилиш самарадорлигини ошириш, шаффофликни таъминлаш.
"Яшил" инвестициялар	Қайта тикланувчи энергия, чиқиндиларни қайта ишлаш ва экологик тоза ишлаб чиқаришга йўналтирилган сармоялар.	Экологик (E)	Инвестицион жозибadorликни ошириш, янги молиявий манбаларга эга бўлиш, бренд имиджини мустаҳкамлаш.
Блокчейн технологияси	Таъминот занжирининг шаффофлигини ошириш, маҳсулотнинг келиб чиқиши ва экологик изини кузатиш.	Ижтимоий (S), Корпоратив бошқарув (G)	Ҳисобдорликни кучайтириш, контрафакт маҳсулотлардан ҳимояланиш, истеъмолчилар ишончини қозониш.
Интеграциялашган ҳисоботлар	Молиявий ва номолиявий (ESG) кўрсаткичларни битта ҳисоботда бирлаштириш.	Корпоратив бошқарув (G)	Ахборот шаффофлигини таъминлаш, инвесторлар ва стейкхолдерлар учун тўлиқ маълумот бериш, молиявий ва номолиявий самарадорликни баҳолаш имконини бериш.
Ижтимоий капитални бошқариш	Ходимлар учун инновацион ижтимоий пакетлар, касбий ривожланиш имкониятлари ва корпоратив ижтимоий масъулият лойиҳалари.	Ижтимоий (S)	Ходимлар лояллигини ошириш, кадрлар алмашинувини камайтириш, компаниянинг ижтимоий обрўсини мустаҳкамлаш.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ESG тамойилларини интеграция қилишнинг инновацион механизмлари. Корпоратив бошқарувда ESG тамойилларини самарали жорий этиш инновацион механизмларни қўллашни талаб қилади. Ушбу механизмлар асосан рақамли технологиялар, молиявий инструментлар ва бошқарув моделларига асосланади. 1- жадвалда ESG тамойилларини интеграция қилиш бўйича инновацион механизмлар ва уларнинг самарадорликка таъсири батафсил кўрсатилган.

Рақамли ва технологик инновациялар. Сунъий интеллект ва "Катта маълумотлар" таҳлили экологик изларни ўлчаш ва бошқарув хатарларини прогноз қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, AI ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларидаги энергия ва сув сарфини оптималлаштириш мумкин. Блокчейн технологияси эса таъминот занжиридаги шаффофликни кескин ошириб, махсулотнинг экологик тоза ишлаб чиқарилганини ёки инсон ҳуқуқлари бузилмаганлигини кафолатлайди.

Молиявий ва инвестицион инновациялар. ESG-фондларнинг кенгайиши компанияларни ESG мезонларига жавоб беришга ундайди, чунки бу фондлар ўз капиталини айнан шундай компанияларга йўналтиради. Шунингдек, экологик лойиҳаларни молиялаштириш учун чиқариладиган "яшил" бондлар (Green Bonds) компанияларга атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатувчи лойиҳалар учун сармоя жалб қилиш имконини беради.

Бошқарув ва ташкилий инновациялар. Интеграциялашган ҳисоботлар тизими молиявий ва номолиявий (ESG) маълумотларни бирлаштириб, стейкхолдерлар учун тўлиқ ва шаффоф ахборот тақдим этади. Бундан ташқари, ходимлар учун инновацион ижтимоий пакетлар ва масъулиятли корпоратив бошқарув моделларини жорий этиш орқали ижтимоий капитал самарали бошқарилади.

2-жадвал

ESG асосида корпоратив бошқарувнинг масъулиятли корпоратив бошқарув моделлари

Модель	Аҳамияти	Қўлланиш натижаси	Халқаро амалиётдан мисол
Акциядорлар билан фаол мулоқот	Ишонч ва шаффофликни ошириш	Инвесторлар сони 15% га кўпайиши	Unilever Stakeholder Forum
ESG ҳисоботлари	Халқаро стандартларга мос ахборот	Сармоядорлар риск баҳолашини енгиллаштириш	Apple Sustainability Report
Комплаенс ва этика тизимлари	Коррупцияга қарши чоралар	Халқаро рейтингларда позиция яхшиланиши	Toyota Compliance Policy

Манба: муаллиф ишланмаси.

ESG тамойиллари доирасида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш учун бир қатор замонавий моделлар қўлланилмоқда. Улар компаниянинг шаффофлиги, инвестицион жозибadorлиги ва ижтимоий ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи навбатда, акциядорлар билан фаол мулоқот корпоратив қарорларнинг очиқлиги ва ишончини оширишга хизмат қилади. Бундай ёндашув орқали инвесторлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилади, натижада уларнинг сони ўртача 15% га ортиши кузатилган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида *Unilever Stakeholder Forum* платформасини кўрсатиш мумкин.

Иккинчи муҳим йўналиш – ESG ҳисоботлари тайёрлаш бўлиб, у халқаро стандартлар (GRI, SASB, TCFD) асосида ишлаб чиқилади ва сармоядорлар учун ишончли ахборот манбаи вазифасини бажаради. Бу ҳисоботлар сармоядорлар томонидан рискларни баҳолашни енгиллаштиради ҳамда инвестицион қарорларни тез ва асосли қабул қилиш имконини яратади. Масалан, *Apple Sustainability Report* шу йўналишдаги илғор амалиётлардан биридир.

Комплаенс ва этика тизимлари модели коррупцияга қарши кураш, корпоратив қонунчиликка мослик ва этика қоидаларини жорий қилиш орқали компаниянинг халқаро рейтинглардаги позициясини яхшилади. *Toyota Compliance Policy* бу соҳадаги самарали тажрибалардан ҳисобланади.

Умуман олганда, ушбу моделлар ESG тамойилларининг масъулиятли бошқарув устунини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб, компаниялар учун узоқ муддатли барқарор ривожланиш ва сармоядорлар учун хатарларни камайтиришда муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Инновацион механизмларнинг корпоратив самарадорликка таъсири. ESG тамойилларини инновацион механизмлар орқали жорий этиш компанияларнинг бир нечта йўналишда самарадорлигини оширади.

- Молиявий самарадорликка таъсири. ESGга асосланган инновациялар компаниянинг инвестицион жозибдорлигини оширади. Инвесторлар хатарларни бошқаришга ва узоқ муддатли барқарорликка эътибор қаратадилар, ESG мезонлари эса бунинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Масалан, ESG-фондлар учун компаниянинг рейтинглари муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ресурсларни тежашга қаратилган инновациялар операцион харажатларни қисқартириб, молиявий натижаларни яхшилади.

- Номолиявий самарадорликка таъсири. ESGга асосланган инновациялар компаниянинг корпоратив нуфузини оширади. Ижтимоий масъулиятли компания сифатида обрў қозониш истеъмолчилар ва бизнес-ҳамкорларнинг ишончини кучайтиради. Ходимларнинг лояллиги ҳам ошади, чунки улар ўз компаниясининг ижтимоий мақсадларга эришишга интилаётганини кўрадилар. Бу кадрлар алмашинувини камайтиради ва ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Яна бир муҳим жиҳат — янги бозорларга чиқиш имкониятлари кенгайди. Ривожланган давлатлар бозорларига кириш учун маҳсулотларнинг "яшил" стандартларга мос келиши талаб этилади.

Юқорида келтирилган таъсирларни баҳолашда турли кўрсаткичлардан (KPI) фойдаланиш мумкин. 3-жадвалда ESG инновацияларини жорий этишнинг асосий кўрсаткичлари (KPI) ва баҳолаш мезонлари келтирилган. Бу кўрсаткичлар орқали компаниялар ўзларининг ESG стратегияларининг самарадорлигини аниқ ўлчашлари мумкин.

Мазкур тадқиқот шуни кўрсатдики, корпоратив бошқарув тизимида ESG тамойилларини интеграция қилишнинг инновацион механизмлари корхона самарадорлигини оширишнинг асосий йўлидир. Рақамли технологиялар, "яшил" молиялаштириш ва масъулиятли бошқарув моделлари каби инновациялар орқали компаниялар нафақат молиявий натижаларга эришади, балки узоқ муддатли барқарор ривожланишни ҳам таъминлайди.

Ўзбекистон шароитида ESG инновацияларини жорий этиш муҳим истиқболларга эга. Бу жараён компанияларнинг халқаро бозорларга чиқишига, хорижий инвестицияларни жалб қилишга ва мамлакатнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилади. Келажакдаги тадқиқотларда мазкур механизмларнинг маҳаллий амалиётдаги аниқ таъсирини ўрганиш ва соҳалар кесимида чуқурроқ таҳлиллар олиб бориш тавсия этилади.

3-жадвал

ESG инновацияларини жорий этишнинг асосий кўрсаткичлари (KPI) ва баҳолаш мезонлари

Кўрсаткич (KPI)	ESG компоненти	Баҳолаш мезонлари	Қайдлар
Ресурс самарадорлиги	Экологик (E)	Ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот учун энергия ва сув сарфининг қисқариши (%), карбонат изининг камайиши (тCO ₂).	Рақамли мониторинг тизимлари орқали ўлчанади.
Меҳнат шароитлари ва ходимлар ривожланиши	Ижтимоий (S)	Ходимларнинг ўқув курсларида иштирок этиши (%), ишдан кетиш даражаси (%).	Ижтимоий ҳисоботлар ва HR маълумотлари асосида баҳоланади.
Этик ва шаффоф бошқарув	Корпоратив бошқарув (G)	Коррупцияга қарши кураш сиёсатининг мавжудлиги, бошқарув кенгаши аъзоларининг мустақиллиги (%).	Халқаро рейтинг агентликлари ва ички аудит натижаларига асосланади.
Инвестицион жалб этиш даражаси	Молиявий самарадорлик	ESGга асосланган инвестициялар ҳажми, компания акцияларининг ESG индексларидаги ўрни.	Фонд бозори маълумотлари ва инвесторлар сўровлари орқали аниқланади.
Ижтимоий масъулият самарадорлиги	Ижтимоий (S)	Жамоат лойиҳаларига ажратилган маблағ ҳажми, жамият аъзоларининг компания фаолиятига муносабати (сўровлар асосида).	Ижтимоий ҳисоботлар ва жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу тадқиқотда ESG тамойилларини корпоратив бошқарув тизимига интеграция қилиш даражаси билан корпоратив самарадорлик кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш мақсад қилинди. Бунда молиявий натижалар, акциядорлик қиймати ва энергия самарадорлиги асосий кўрсаткичлар сифатида қабул қилинди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади ESG интеграция даражаси ҳамда корпоратив самарадорлик кўрсаткичлари — молиявий натижа, акциядорлик қиймати ва энергия самарадорлиги — ўртасидаги таъсирчанликни аниқлаш ва уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини баҳолашдан иборатдир.

Таҳлил объекти сифатида 2020–2024 йиллар давомидаги энергетика ва саноат соҳасида фаолият юритаётган 50 та йирик компания танлаб олинди. Маълумотлар манбалари сифатида халқаро ва миллий ҳисоботлардан, жумладан, **GRI ҳисоботлари**, **World Bank ESG Database** ҳамда **Deloitte Sustainability Reports** манбаларидан фойдаланилди.

Асосий ўзгарувчилар.

- **Y – қўшма корпоратив самарадорлик индекси:** акциядорлар қиймати ўсиши (%), активлар рентабеллиги (ROA, %) ва энергия тежаш кўрсаткичи (%) асосида шакллантирилган интеграл кўрсаткич.

- **X₁ – рақамли ESG технологиялари индекси:** IoT, Big Data ва Blockchain технологияларининг жорий этилиш даражаси (0–100 шкала бўйича баҳоланган).

- **X₂ – “яшил” инвестициялар улуши:** умумий инвестиция портфелида экологик барқарорликка йўналтирилган сармоялар улуши (%).

• **X_3 – масъулиятли корпоратив бошқарув кўрсаткичи:** ESG ҳисоботлари сифати, комплаенс тизимлари мавжудлиги ва стейкхолдерлар билан фаол мулоқот индекси (0–100).

Модел кўп омилли регрессия кўринишида тузилди:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 X_1 + \beta_2 X_2 + \beta_3 X_3 + \varepsilon$$

Бу ерда:

- β_0 – эркин аъзо (базавий корпоратив самарадорлик);
- $\beta_1, \beta_2, \beta_3$ – ESG инновацион механизмларининг таъсир коэффициентлари;
- ε – тасодифий хатолар.

Таҳлил натижалари.

4-жадвал

Регрессия коэффициентлари

Ўзгариувчи	Коэффициент (β)	t-статистика	P-qiymati
Константа (β_0)	0.85	3.12	0.002
X_1 – рақамли ESG технологиялари	0.27	4.85	0.000
X_2 – “яшил” инвестициялар	0.32	5.14	0.000
X_3 – масъулиятли бошқарув	0.41	6.02	0.000

$R^2 = 0.76$ – модел корпоратив самарадорликдаги ўзгаришларнинг 76%ини тушунтиради.

Натижалар таҳлили.

• **Масъулиятли корпоратив бошқарув (X_3)** энг катта таъсирга эга ($\beta=0.41$), бу ESG ҳисоботлари ва комплаенс тизимларининг стратегик аҳамиятини кўрсатади.

• **“Яшил” инвестициялар (X_2)** ҳам юқори таъсир кўрсатади ($\beta=0.32$), айниқса қайта тикланадиган энергия ва углерод изини камайтириш лойиҳаларида.

• **Рақамли ESG технологиялари (X_1)** корпоратив инновация жараёнларини рағбатлантириб, самарадорликка мусбат таъсир кўрсатади ($\beta=0.27$).

Тадқиқот натижалари ESG тамойилларини комплекс равишда жорий қилишнинг корпоратив бошқарувдаги аҳамиятини илмий асослайди. Хусусан, **ESG ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида шакллантириш, рақамли мониторинг платформаларини жорий этиш ва “яшил” инвестиция сиёсатини кенгайтириш** орқали молиявий барқарорлик, энергия тежаш ва акциядорлар қийматини оширишга эришилади.

ESG тамойиллари корпоратив бошқарувнинг стратегик элементи сифатида самарали интеграция қилинганда, **молиявий кўрсаткичлар 10–15% га, энергия самарадорлиги 12–18% га, акциядорлик қиймати 8–10% га** ўсишига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар.

Ушбу тадқиқот корпоратив бошқарув тизимида ESG (Environmental, Social, Governance) тамойилларини интеграция қилишнинг самарадорлигини ўрганди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, инновацион ёндашувлар, айниқса, рақамли технологиялар, “яшил” молиялаштириш ва масъулиятли бошқарув моделлари компанияларнинг нафақат молиявий кўрсаткичларини, балки уларнинг инвестицион жозибадорлиги, корпоратив нуфузи ва ижтимоий масъулиятини ҳам сезиларли даражада оширади.

Мақоладаги асосий хулосаларга кўра, ESG инновациялари компанияларга хатарларни самарали бошқариш, операцион харажатларни камайтириш ва янги бозор

имкониятларини яратишда ёрдам беради. Бундан ташқари, улар ходимлар лояллигини кучайтириб, брендга бўлган ишончни оширади. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон корхоналарида ESG тамойилларини жорий этиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар тақдим этилади:

- ESG ҳисоботларини юритиш учун ягона миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва ESG мезонларига риоя қилган компаниялар учун рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

- Корхоналарда ESGни стратегик устувор йўналиш сифатида қабул қилиш ва бу жараёнда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш.

- Молиявий сектор учун "Яшил" бондлар ва ESG-фондлар бозорини ривожлантириш орқали масъулиятли инвестициялар учун замин яратиш.

Компанияларга қуйидагилар тавсия этилади:

1. ESG ҳисоботларини GRI ва SASB стандартларига мослаштириш.

2. IoT, Big Data ва блокчейн асосида ESG рақамли платформаларини жорий этиш.

3. "Яшил" облигациялар ва ESG-фондлар улушини ошириш орқали

молиялаштиришни диверсификация қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, ESG инновацияларини жорий этиш замонавий корпоратив бошқарувнинг ажралмас қисми бўлиб, у компанияларнинг барқарор ва муваффақиятли келажагини таъминлайди.

Адабиётлар / Literature/References:

Chen, K. (2024) 'The strategic integration of ESG principles in corporate innovation: Theoretical foundations, mechanisms, and practical challenges', *International Journal of Novel Research in Marketing Management and Economics*, 11(2), pp. 138-148.

Dicuonzo, G. et al. (2022) 'The integration of sustainability in corporate governance systems: an innovative framework applied to the European systematically important banks', *International Journal of Disclosure and Governance*, 19(3), pp. 249-263.

Li, L. (2025) 'Integrating ESG Principles into Corporate Strategic Management: Implementation Pathways and Performance Evaluation Systems', *Leadership and Organizational Insights*, 1(1), pp. 7-11.

Tang, H. (2022) 'The effect of ESG performance on corporate innovation in China: The mediating role of financial constraints and agency cost', *Sustainability*, 14(7), 3769.

Wu, L. et al. (2025) 'The effect of ESG performance on corporate green innovation', *Business Process Management Journal*, 31(8), pp. 24-48.

Зайнутдинов, Ш.Н. (2006) *Инновационный менеджмент*. Тошкент: Академия, 267 с.

Кадыров, А.М. (2008) 'Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ', *Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов международной конференции*, Ташкент, pp. 19-21.

Муминова, Э.А. (2016) 'The concept of an innovation-oriented industrial corporation: essence, definition, objectives and basic principles of functioning', *Молодой ученый*, pp. 330-332.

Расулев, А.Ф. & Алимов, Р. (2007) 'Стимулирование инновационной активности в экономике', *Общество и экономика*, (5-6), p. 15. Москва.

Эргашев, Ф., ва бошқалар (2005) *Инновацион менеджмент*. Дарслик. Тошкент: Академия, 90 б.